Иқтисодий–ҳуқуқий газета

N 18 (771) ● 2020 йил 5 май

# НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

## Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

**Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва *nrm.uz* сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.**

NORMA
nrm.uz



## Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш вазирлик зиммасида

**Президентнинг рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни ривожлантириш тўғрисидаги қарори** *(28.04.2020 йилдаги ПҚ-4699-сон, ҳужжатнинг матни «Норма маслаҳатчи» газетаси ушбу сонининг ҳужжатлар пакетида чоп этилмоқда)* **қабул қилинди.**

Ҳужжат билан қуйидаги мақсадли йўналишлар белгиланди:

➢ рақамли иқтисодиётни жадал шакллантириш – 2023 йилга келиб унинг мамлакат ЯИМдаги улуши 2 бараварга кўпайиши керак;

➢ рақамли инфратузилмани тўлиқ модернизация қилиш ва замонавий IT-хизматларидан барча ҳудудларда фойдаланиш имкониятини таъминлаш – 2020–2021 йилларда барча соғлиқни сақлаш муассасалари, мактаблар ва мактабгача таълим ташкилотлари, шунингдек, қишлоқлар ва маҳаллалар юқори тезликдаги Интернет тармоғига уланади ҳамда алоқа хизматлари сифати оширилади;

➢ электрон ҳукумат тизимини ривожлантириш – 2022 йилга қадар электрон давлат хизматлари улуши 60%гача етказилади;

➢ дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва технологик майдончалар яратиш орқали «рақамли тадбиркорлик»ни ривожлантириш – 2023 йилга келиб ушбу соҳадаги хизматлар ҳажмини 3 бараварга ошириш ва уларнинг экспортини 100 млн долларга етказиш зарур;

➢ 2022 йилга қадар барча ҳудудларда рақамли билимларга ўқитиш марказлари очилади.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни ривожлантириш соҳасидаги ваколатли орган этиб белгиланди. Ахборот тизимлари, ресурслари ва бошқа дастурий маҳсулотларни яратиш ва жорий этиш бўйича давлат органлари ва ташкилотларнинг лойиҳалари ва техник ҳужжатлари ҳамда НҲҲлари лойиҳаларини мажбурий экспертизадан ўтказиш унинг ваколатига киради (крипто-активлар ва блокчейн технологиясини жорий этиш бўйича ваколатлар ЛБМАда сақлаб қолинди). Шу муносабат билан вазирлик тизимида ўзгаришлар рўй берди.

***Биринчидан,*** унинг ҳузурида муайян вазифаларга эга бўлган иккита соҳага оид марказ ташкил этилди.

| *Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази* | *Рақамли иқтисодиёт тадқиқотлари маркази* |
|---|---|
| ➢ электрон ҳукуматни ривожлантиришда ягона технологик ёндашувни таъминлаш;<br>➢ давлат органлари ва ташкилотларида рақамли ривожланишнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш;<br>➢ давлат органлари ва ташкилотларида ижро интизомининг ягона идоралараро электрон тизимини жорий этиш;<br>➢ электрон ҳукумат соҳасидаги лойиҳалар ва дастурларни амалга ошириш босқичларини мувофиқлаштириш. | ➢ иқтисодиёт тармоқлари ва ишлаб чиқаришга рақамлаштириш жараёнларининг таъсирини баҳолаш;<br>➢ экспертлар ҳамжамияти билан ҳамкорликда рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукумат соҳасида янги йўналишлар ва замонавий технологияларни чуқур ўрганиш орқали уларни давлат органлари ва ташкилотларида кенг жорий этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;<br>➢ иқтисодиётнинг турли тармоқларида «ақлли» ва бошқа истиқболли технологияларни, шунингдек, катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишловчи технологияларни жорий этишнинг концептуал ва услубий асосини шакллантириш. |

***Иккинчидан,*** марказий аппарат тузилмасида (ходимларининг умумий чекланган сони доирасида):

➢ аграр соҳани жадал рақамлаштириш, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳаларига замонавий ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш масалаларига масъул бўлган вазир ўринбосари лавозими киритилди;

➢ Аграр соҳада рақамли технологияларни ривожлантириш бошқармаси ва Геоахборот технологияларини ривожлантириш бошқармаси ташкил қилинди.

***Учинчидан,*** «Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор UZINFOCOM» МЧЖдаги давлат улуши ва вазирлик ташкилий тузилмасидаги хўжалик жамиятларининг устав капиталидаги давлат акция пакетлари (улушлари) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига ўтказиб берилади.

Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасида электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш учун махсус ҳисобрақам очилади. Унга:

➢ уяли алоқа компаниялари томонидан абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўланадиган тўлов суммасининг (ойига 2 000 сўм) тақсимлангунига қадар бўлган 35%и. Қолган сумма белгиланган тартибда тақсимланади;

➢ ЯИДХП орқали давлат хизматларини кўрсатганлик учун тўланган давлат божлари, йиғимлар ва барча турдаги тўловларнинг 11,25%и, шунингдек, Ягона биллинг тизими орқали давлат хизматларини кўрсатганлик учун тўланган давлат божлари ва бошқа тўловлардан тушадиган маблағларнинг 0,5%и;

➢ қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа даромадлар келиб тушади.

Давлат органлари ва ташкилотларига ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш, жорий этиш, интеграция қилиш ва техник қўллаб-қувватлаш бўйича умумий қиймати 1 млрд сўмгача бўлган битта шартнома доирасида танловларни фақат IT-технопарки резидентлари ўртасида ўтказишга рухсат берилди.

Давлат хизматларини кўрсатиш жараёнида ишлатиладиган барча ахборот тизимлари ва ресурсларининг идоралараро электрон ҳамкорлиги фақат «Электрон ҳукумат» тизимининг идоралараро интеграция платформаси орқали амалга оширилади.

**Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида *(lex.uz)* эълон қилинган ва 29.04.2020 йилдан кучга кирди.**

**Олег Заманов,** «Norma» МЧЖ эксперти.

## ДХШ лойиҳаларини амалга оширишнинг ягона тартиби тасдиқланди

**ДХШ лойиҳалари бўйича маҳсулотларга нархларни шакллантириш ва тасдиқлаш механизми белгиланди** *(ВМнинг 26.04.2020 йилдаги 259-сон қарори).*

«Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ишлаб чиқилган ДХШ лойиҳаларини амалга ошириш механизми қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

➢ лойиҳани ташаббус қилиш, ишлаб чиқиш ва хусусий шерикни танлаш;

➢ лойиҳани дастлабки баҳолаш;

➢ лойиҳанинг концепциясини тайёрлаш;

➢ амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича ҳисобот;

➢ ДХШ лойиҳаларининг реестрини юритиш.

Давлат шериги таклиф этилаётган ДХШ лойиҳасини амалга ошириш имкониятларини ўрганиш мақсадида уни дастлабки баҳолашдан ўтказади. Бунинг учун лойиҳанинг муайян мезон ва шартларга мувофиқ бўлиши текширилади. Натижалар ижобий бўлган тақдирда лойиҳани ташаббус қилиш ва тайёрлаш амалга оширилади.

Лойиҳани ташаббус қилиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

➢ лойиҳанинг концепциясини ишлаб чиқиш, баҳолаш, келишиш ва тасдиқлаш;

2-бетда

Ушбу сонда:

3-4-БЕТЛАР
Янги ҳужжатлар билан таништирамиз

7-БЕТ
ЭРИ тасдиқлаган бўлса, электрон ишончномани ёзмаса ҳам бўладими?

8-БЕТ
Иш ҳақи сақланмаган таътил қанча муддатгача берилади?

## ДХШ лойиҳаларини амалга оширишнинг ягона тартиби тасдиқланди

1-бетда

➢ ваколатли давлат органи томонидан концепцияни кўриб чиқиш ва маъқуллаш;

➢ келишиб олинган концепциянинг давлат шериги ёки Ҳукумат томонидан тасдиқланиши;

➢ лойиҳанинг концепциясини ваколатли давлат органи томонидан ДХШ лойиҳаларининг реестрига киритиш.

ДХШ лойиҳалари бўйича нархлар (тарифлар)ни асослантирувчи маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш харажатлари Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида низом ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан белгиланади.

Монопол маҳсулотлар ёки табиий монополиялар маҳсулотларига нархлар (тарифлар) Молия вазирлиги ва унинг топшириғи бўйича молия бошқармалари томонидан давлат шеригининг ёзма мурожаати асосида тасдиқланади ёки Президент қарорларига мувофиқ муайян товарлар турларига белгиланган ёки чекланган нархлар (тарифлар) ва устамалар кўринишида белгиланади. ДХШ лойиҳалари бўйича қолган маҳсулот (ишлар, хизматлар) нархлари давлат шериги томонидан хусусий шерик билан келишилган ҳолда белгиланади.

**Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида *(lex.uz)* эълон қилинган ва 27.04.2020 йилдан кучга кирди.**

## ЭҲНАТни жорий этиш жадаллаштирилади

**Вазирлар Маҳкамасининг 27.04.2020 йилдаги 260-сон қарори билан Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жадал жорий этиш чора-тадбирлари тасдиқланди** *(ҳужжатнинг матни «Норма маслаҳатчи» газетаси ушбу сонининг ҳужжатлар пакетида чоп этилмоқда).*

Ҳужжатда қайд этилганидек, маҳаллий компаниялар – «Toshelectroapparat» МЧЖ ва «Elektron Xisoblagich» МЧЖдан 2,1 млн дона электр ҳисоблагичлар харид қилиниб, республиканинг барча ҳудудларида босқичма-босқич ўрнатилмоқда. Бироқ асбоб-ускуналар учун тўловлар ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилмай қолганлиги натижасида етказиб берувчилар олдида жами 636,9 млрд сўм миқдорида қарздорлик юзага келган.

Шу муносабат билан «Ўзинжиниринг» РЛИ томонидан ишлаб чиқилган Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини (ЭҲНАТ) жорий этиш лойиҳасининг техник-иқтисодий асосларини қайта кўриб чиқиш вақти келди. Энди қуйидагилар лойиҳанинг асосий мақсад ва вазифалари бўлади:

➢ республика бўйича истеъмол қилинадиган электр энергиясини тўлиқ ҳисобга олишнинг ҳамда электр энергиясининг технологик сарф меъёрларини белгилашнинг шаффоф тизимини ўрнатиш;

➢ қарздор истеъмолчиларга электр энергиясини етказиб беришни тўхтатиш ҳамда электр тармоқларига ноқонуний уланган истеъмолчиларни аниқлаш;

➢ истеъмолчилар гуруҳлари кесимида йиллик, ойлик ва кунлик истеъмол қилиш «хулқ-атвори»ни (consumer behaviour) таҳлил қилиб бориш ва ушбу таҳлиллар натижасида республика энергия тизимининг ишлаш режимини энг самарадор тарзда шакллантириш;

➢ электр энергиясининг табақалаштирилган тарифларини қўллаш учун зарур бўлган аниқ маълумотлар билан таъминлаш;

➢ электр тармоқларининг ишлаш режимларидаги нуқсонларни, шу жумладан электр энергиясининг технологик сарфининг меъёрдан ортиб кетиш ҳолатларини аниқлаш.

«Ҳудудий электр тармоқлари» АЖнинг (ҲЭТ) мавжуд биллинг тизими ўрнига ЭҲНАТни жорий этиш лойиҳаси доирасида замонавий электр энергияси ҳисобини юритиш, таҳлил ва прогноз қилишнинг комплекс дастурий таъминоти барпо этилади. Янги биллинг тизимини 2022 йилнинг июнь ойига қадар ишга тушириш режалаштирилмоқда.

10 кун муддатда Осиё тараққиёт банки ва Франция тараққиёт агентлиги билан электр энергетика соҳасидаги «ислоҳотлар матрицаси» келишилади ва ижроси бўйича «йўл харитаси» тасдиқланади.

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ ЭҲНАТни жорий этиш лойиҳасини молиялаштириш учун ҲЭТга 1 йил муддатга 6 ойлик имтиёзли тўлов даври билан йиллик 7% устама тўлаш шарти асосида 30 млн евро миқдорида кредит ажратади.

Шунингдек, ҳужжат билан қуйидагилар тасдиқланди:

➢ ЭҲНАТни жорий этиш лойиҳасининг дастлабки молиявий параметрлари;

➢ лойиҳани молиялаштирилиши учун ажратиладиган маблағлар миқдори;

➢ лойиҳа бўйича режалаштирилган чора-тадбирларини амалга ошириш графиги. Хусусан, жорий йилнинг 30 майига қадар маълумотларни қайта ишлаш маркази ишга туширилади ва электр ҳисоблагичлар ва қўшимча асбоб-ускуналарни харид қилиш учун молиялаштириш очилади. Ҳисоблагичларни ўрнатиш ишларини 2021 йил 1 июлга қадар, уларни ЭҲНАТга улаш ишларини эса 2021 йил 1 сентябрга қадар якунлаш кўзланмоқда.

**Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида *(lex.uz)* эълон қилинган ва 28.04.2020 йилдан кучга кирди.**

## Оилавий пудрат учун тутзорларни олиш қоидалари

**Тегишли тартиб қишлоқ хўжалиги вазирининг буйруғи билан тасдиқланди** *(АВ томонидан 27.04.2020 йилда 3230-сон билан рўйхатдан ўтказилган).*

Эслатиб ўтамиз, шу йилнинг бошида «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси ҳудудий «Агропилла» МЧЖга тегишли бўлган тутзорларни тажриба синов тариқасида аҳолига оилавий пудрат асосида 1 гектардан 3 гектаргача тақсимлашга қарор қилинган (*17.01.2020 йилдаги ПҚ-4567-сон қарор*). 1 ноябрга қадар тажриба синов натижаларига асосан бундай амалиётни барча ҳудудларда жорий этиш бўйича таклифлар киритилади.

Тутзорлар «Агропилла» МЧЖ томонидан хоҳиш билдирган оилаларга пилла етиштириш мавсуми бошланишидан олдин танлов асосида ажратиб берилади. Танлов комиссияси «Агропилла» МЧЖ ходимлари жумласидан ташкил этилади. Оила бошлиғи ёки оиланинг вояга етган бошқа аъзоси маҳаллий ОАВда танлов эълон қилингандан кейин бир ой ичида комиссияга ёзма ёки электрон шаклда ариза билан мурожаат қилади. Аризада қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

➢ меҳнатга лаёқатли доимий иш жойига эга бўлмаган оила аъзолари сони ҳақида;

➢ тутзорларга ишлов бериш ва тут ипак қуртини парваришлаш учун зарур билим ва тажрибаси ҳамда талабгорда тут ипак қуртини парваришлаш учун зарур бино ва иншоотлар ҳамда шарт-шароитлар мавжудлиги ҳақида.

Талабгорлар айнан шу мезонлар бўйича баҳоланади. Аризалар 7 кун муддатда, зарур ҳолларда жойига бориб ўрганган ҳолда кўриб чиқилади.

Комиссия ижобий қарор қабул қилган тақдирда оилага тутзорлар 1 гектардан 3 гектаргача ва 5 йил муддатга фойдаланиш учун ажратилади. «Агропилла» МЧЖ раҳбари ва талабгор ўртасида оилавий пудрат шартномаси тузилади, унда қуйидагилар кўрсатилади:

➢ тутзорлардан фойдаланиш шартлари;

➢ тут дарахтларининг барг ҳосилдорлиги, ерни мелиоратив ҳолати, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш бўйича амалга ошириладиган тадбирлар;

➢ етиштириладиган тирик пилла маҳсулотининг миқдори ва сифати, унга ҳақ тўлаш ва уни сотиш шартлари;

➢ сув ва моддий-техника ресурслари билан оилавий пудратчини таъминлаш ва ҳ.к.

Етиштирилган пилла ҳосилини сотишдан ташқари тутзорлар орасига қўшимча экинлар экиш орқали олинадиган даромадлар етиштирувчиларнинг ўзида қолади. Шунингдек, уларга тутзорларни янгилаш учун тут кўчатлари ва пилла мавсумларида ипак қурти уруғи бепул етказиб берилади.

**Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида *(lex.uz)* эълон қилинган ва 27.04.2020 йилдан кучга кирди.**

**Ленара Хикматова,** «Norma» МЧЖ эксперти.

УШБУ СОНДА

• **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз *1-2-бетлар*

• **РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР**
**Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони**
– «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».
**Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари:**
– «Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»;
– «Аҳолининг уй-жой шароитини яхшилаш ҳамда ипотека кредити бозорини янада кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори**
– «Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жадал жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида».
**2020 йилнинг I чорагида «Солиқ ва божхона хабарлари» ҳамда «Норма маслаҳатчи» газеталарида эълон қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати** *3-6-бетлар*

• **ХЎЖАЛИК ЮРИТИШ ҚОИДАЛАРИ**
– ЁММни сақлашни расмийлаштириш
– ТМҚ учун электрон ишончнома
– Муассис билишга ҳақли *7-бет*

• **ДУНЁ НАФАСИ**
– Коронавирусга қарши курашнинг шведча усули ёхуд дала ўртасидаги ёлғиз «ресторан» *7-бет*

• **КАДРЛАР БЎЛИМИ**
– Иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил: чекланган муддат
– Буви – декретга
– Ишга «квота» бўйича қабул қилиш *8-бет*

Таҳририят аноним хатларга муносабат билдирмасликка, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермасликка ҳақли.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга **фақат «NORMA davriy nashrlari» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.**

# РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР

- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИИ**

– «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».

- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРЛАРИ:**

– «Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»;

– «Аҳолининг уй-жой шароитини яхшилаш ҳамда ипотека кредити бозорини янада кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».

- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

– «Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жадал жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида».

- **2020 ЙИЛНИНГ I ЧОРАГИДА «СОЛИҚ ВА БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ» ҲАМДА «НОРМА МАСЛАҲАТЧИ» ГАЗЕТАЛАРИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР РЎЙХАТИ.**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ*
*ФАРМОНИ*

## КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ДАВРИДА АҲОЛИ ВА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–5969-сон ва 2020 йил 3 апрелдаги «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–5978-сон фармонларига мувофиқ, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш, иқтисодиёт тармоқларининг барқарор фаолият юритишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Тадбиркорлик субъектларига имтиёз ва преференциялар берилди, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотлар ходимларига иш ҳақи, шунингдек, пенсия, стипендия ва нафақаларнинг узлуксиз тўлаб берилиши таъминланди.

Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш даврида асосий даромад манбаларини йўқотган шахсларни, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ва тадбиркорлик субъектларини қўшимча қўллаб-қувватлашни таъминлаш мақсадида:

1. Белгилансинки, 2020 йил 1 апрелдан 2020 йил 1 октябрга қадар:

а) Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фондига, «Саховат ва кўмак» фондига, «Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фондига, шу жумладан, уларнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлардаги бўлинмаларига, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан шакллантириладиган ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган жисмоний шахслар рўйхатига киритилган жисмоний шахсларга беғараз бериладиган:

пул маблағлари ва товарлар (хизматлар)га фойда солиғини ҳисоблашда чегириладиган харажатлар сифатида қаралади;

товарлар (хизматлар) қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади ва айланмадан олинадиган солиқ бўйича солиқ солиш объектига киритилмайди;

б) Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фондидан, «Саховат ва кўмак» фондидан, «Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фондидан, юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган беғараз ёрдам (пул маблағлари, товарлар ва хизматлар)га, агар ёрдам олувчи шахслар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан шакллантириладиган ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган жисмоний шахслар рўйхатига киритилган бўлса, жисмоний шахсларнинг даромади сифатида қаралмайди;

в) жисмоний шахсларга турар жойларини жисмоний шахсларга ва коронавирус пандемияси даврида фаолияти тўхтаган тадбиркорлик субъектларига нотурар жойларни ижарага беришдан олинган жисмоний шахслардан олинадиган даромадлар бўйича солиқни фоизсиз кечиктириб тўлаш ҳуқуқи берилади. Бунда, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлаш бўйича берилган кечиктириш суммаси 2021 йил 1 апрелга қадар муддатгача тенг улушларда тўланиши лозим;

г) лизинг корхоналари томонидан ҳисобланган ва кечиктирилган лизинг бўйича фоиз даромадлари суммаси фойда солиғини ҳисоблашда кечиктириш берилган даврдаги жами даромад таркибига киритилмайди;

д) тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз харажатларини Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш Давлат жамғармаси томонидан компенсация қилиш тартиби тадбиркорлик субъектларининг амалдаги кредит шартномаларига ҳам татбиқ қилинади.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2020 йилда ходимга тўланадиган, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғига тортилмайдиган моддий ёрдам суммаси меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 4,22 бараваридан 7,5 бараваригача оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлигининг пенсиялар тўғри тайинланиши ҳамда тўланиши бўйича текширишлар натижасида аниқланган, ортиқча тўланган пенсиялар бўйича 2020 йил 20 апрель ҳолатига пенсионерларнинг қарздорлик суммасини ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

4. Белгилаб қўйилсинки, 2020 йил 1 майдан бошлаб барча ишловчи пенсионерларга (Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан пенсия олувчи шахслардан ташқари) пенсиялар тўлови тўғридан-тўғри Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан амалга оширилади.

5. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини

**Ушбу Фармон Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (**lex.uz**) эълон қилинган ва 28.04.2020 йилдан кучга кирди.*

қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–5978-сон Фармонининг 6-бандида назарда тутилган соддалаштирилган тартибда солиқларни тўлаш бўйича фоизсиз кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) бериш муддати 2020 йил 31 декабргача узайтирилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) берилган ва келгусида тўланадиган солиқ суммаларини тўлаш бўйича муддатни мустақил равишда, бироқ икки йилдан оширмасдан белгилаш ҳуқуқига эга эканлиги маълумот учун қабул қилинсин.

6. Молия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикаси Президенти***
***Ш.МИРЗИЁЕВ.***

*Тошкент ш.,*
*2020 йил 27 апрель*
*ПФ-5986-сон.*

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ*
*ҚАРОРИ*

# РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ВА ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТНИ КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА*

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифаларга мувофиқ ҳамда иқтисодиёт тармоқлари ва давлат бошқаруви тизимига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва телекоммуникация тармоқларини кенгайтириш орқали республика иқтисодиётининг рақобатбардошлигини янада ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни янада ривожлантиришнинг қўшимча вазифалари этиб белгилансин:

**2023 йилга келиб рақамли иқтисодиётнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушини 2 бараварга кўпайтиришни** назарда тутган ҳолда, шу жумладан, ишлаб чиқаришни бошқаришда ахборот тизимлари комплексини жорий қилиш, молиявий-хўжалик фаолиятда ҳисобот юритишда дастурий маҳсулотлардан кенг фойдаланиш, шунингдек, технологик жараёнларни автоматлаштириш орқали уни жадал шакллантириш;

**2020–2021 йилларда** барча соғлиқни сақлаш муассасалари, мактаблар ва мактабгача таълим ташкилотларини, шунингдек, қишлоқлар ва маҳаллаларни юқори тезликдаги Интернет тармоғига улаш ҳамда алоқа хизматлари сифатини оширишни кўзда тутган ҳолда **мамлакатнинг рақамли инфратузилмасини тўлиқ модернизация қилиш ва замонавий телекоммуникация хизматларидан барча ҳудудларда фойдаланиш** имкониятини таъминлаш;

**2022 йилга қадар электрон давлат хизматлари улушини 60 фоизгача етказишни назарда тутган ҳолда** давлат ахборот тизимлари ва ресурсларини яратиш ҳамда интеграция қилиш, давлат маълумотлар базаларидаги ахборотларни унификация қилиш, шунингдек, давлат хизматларини кўрсатиш тартиботларини оптималлаштириш ва тартибга солиш орқали **электрон ҳукумат тизимини ривожлантириш**;

дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва технологик майдончалар яратиш орқали «рақамли тадбиркорлик»ни ривожлантириш, 2023 йилга келиб ушбу соҳадаги **хизматлар ҳажмини 3 бараварга ошириш** ва уларнинг экспортини **100 миллион долларга** етказиш;

таълим тизимининг барча босқичларида рақамли технологияларни кенг жорий этиш ва замонавий иқтисодиёт учун зарур бўлган рақамли билимларнинг даражасини ошириш, таълим инфратузилмасини такомиллаштириш, шунингдек, «Беш ташаббус» лойиҳасини амалга ошириш доирасида **2022 йилга қадар республиканинг барча ҳудудларида рақамли билимларга ўқитиш марказларини очиш.**

2. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик):

**рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни ривожлантириш соҳасидаги ваколатли орган ҳисобланади**;

рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни ривожлантириш доирасида ахборот тизимлари, ресурслари ва бошқа дастурий маҳсулотларни яратиш ва жорий этиш бўйича давлат органлари ва ташкилотларнинг **лойиҳалари ва техник ҳужжатлари ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари лойиҳаларини мажбурий экспертизадан** ўтказади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигида (кейинги ўринларда – Агентлик) крипто-активлар ва блокчейн технологиясини жорий этиш бўйича ваколатлар сақлаб қолинсин.

3. Вазирлик ҳузурида қуйидагилар:

а) **«Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази»** давлат муассасаси ташкил этилсин ва қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

электрон ҳукуматни ривожлантиришда ягона технологик ёндашувни таъминлаш;

давлат органлари ва ташкилотларида рақамли ривожланишнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш;

давлат органлари ва ташкилотларида ижро интизомининг ягона идоралараро электрон тизимини жорий этиш;

электрон ҳукумат соҳасидаги лойиҳалар ва дастурларни амалга ошириш босқичларини мувофиқлаштириш;

б) **«Рақамли иқтисодиёт тадқиқотлари маркази»** давлат муассасаси ташкил этилсин ва қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

иқтисодиёт тармоқлари ва ишлаб чиқаришга рақамлаштириш жараёнларининг таъсирини баҳолаш;

экспертлар ҳамжамияти билан ҳамкорликда рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукумат соҳасида янги йўналишлар ва замонавий технологияларни чуқур ўрганиш орқали уларни давлат органлари ва ташкилотларида кенг жорий этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

иқтисодиётнинг турли тармоқларида «ақлли» ва бошқа истиқболли технологияларни, шунингдек, катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишловчи технологияларни жорий этишнинг концептуал ва услубий асосини шакллантириш.

4. Вазирлик марказий аппарати тузилмасида:

**аграр соҳани жадал рақамлаштириш**, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳаларига замонавий ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш масалаларига масъул бўлган **вазир ўринбосари лавозими киритилсин**;

**Аграр соҳада рақамли технологияларни ривожлантириш** бошқармаси ва **Геоахборот технологияларини ривожлантириш** бошқармаси ташкил қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, ушбу бандда назарда тутилган вазир ўринбосари лавозимини киритиш ва бошқармаларни ташкил қилиш Вазирлик марказий аппарати ва унинг ҳудудий бошқармалари **ходимларининг умумий чекланган сони доирасида амалга оширилади**.

6. Қуйидагилар:

---

**Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида* ***(lex.uz)*** *эълон қилинган ва 29.04.2020 йилдан кучга кирди.*

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш **вазирлигининг ташкилий тузилмаси 1-иловага**** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш **вазирлигининг марказий аппарати тузилмаси 2-иловага**** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги **ҳудудий бошқармаларининг намунавий тузилмаси 3-иловага**** мувофиқ тасдиқлансин.

7. Вазирлик, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ва Агентликнинг:

**«Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор UZINFOCOM» МЧЖ**нинг устав капиталидаги давлат улушини (кейинги ўринларда – Ягона интегратор) Вазирликка беғараз асосда ўтказиб бериш;

Вазирлик ташкилий тузилмасидаги **хўжалик жамиятларининг устав капиталидаги давлат акция пакетларини (улушларини) Вазирликка ўтказиб бериш**;

Агентлик қошидаги «Электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат унитар корхонасининг ахборот тизимлари ва бошқа аппарат-дастурий комплексларини **бир ҳафта муддатда** Вазирлик ҳузуридаги «Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасасига беғараз асосда ўтказиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

8. Қуйидагилар:

«Электрон ҳукумат» **тизимининг архитектураси 4-иловага**** мувофиқ;

2020–2022 йилларда **электрон ҳукуматни янада ривожлантириш** бўйича устувор лойиҳалар рўйхати **5-иловага**** мувофиқ;

2020–2022 йилларда иқтисодиётнинг **реал сектори тармоқларида** замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш бўйича устувор лойиҳалар рўйхати **6-иловага**** мувофиқ;

**Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки** фаолиятини янада ривожлантириш бўйича «Йўл харитаси» **7-иловага**** мувофиқ;

2020–2022 йилларда **ахборот технологиялари ва телекоммуникацияларини ривожлантириш** бўйича устувор лойиҳалар рўйхати **8-иловага**** мувофиқ;

**2020–2021 йилларда қишлоқ ва сув хўжалигида рақамли технологияларни жорий этиш** бўйича «Йўл харитаси» **9-иловага**** мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига ушбу қарор билан тасдиқланган лойиҳалар рўйхатига аниқлик киритиш ҳуқуқи берилсин.

9. Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасида (кейинги ўринларда – Жамғарма) электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг **идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобрақам очилсин**.

Жамғарма махсус ҳисобрақамининг **даромад манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:**

мобиль алоқа хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) томонидан **абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўланадиган тўлов суммасининг тақсимлангунига қадар бўлган 35 фоизи**;

**Ягона интерактив давлат хизматлари портали** орқали давлат хизматларини кўрсатганлик учун тўланган давлат божлари, йиғимлар ва барча турдаги тўловларнинг **11,25 фоизи**, шунингдек, **Ягона биллинг тизими** орқали давлат хизматларини кўрсатганлик учун тўланган давлат божлари ва бошқа тўловлардан тушадиган маблағларнинг **0,5 фоизи**;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа даромадлар.

Белгилансинки, абонент рақамларидан фойдаланганлик учун тўлов, маблағларнинг тегишли қисми Жамғарманинг махсус ҳисобрақамига ўтказилгандан сўнг, бошқа олувчилар орасида **маблағларнинг қолган қисмидан келиб чиқиб, ўрнатилган тартибда тақсимланади** ва қонун ҳужжатларида белгиланган мақсадларга йўналтирилади.

10. Белгилаб қўйилсинки:

давлат органлари ва ташкилотлари ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш, жорий этиш, интеграция қилиш ва техник қўллаб-қувватлаш бўйича **умумий қиймати 1 миллиард сўмгача бўлган** битта шартнома доирасида танловларни фақат Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технопарки **резидентлари ўртасида ўтказиш ҳуқуқига эга;**

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан давлат хизматларини кўрсатиш жараёнида ишлатиладиган барча ахборот тизимлари ва ресурсларининг идоралараро электрон ҳамкорлиги фақат **«Электрон ҳукумат» тизимининг идоралараро интеграция платформаси орқали амалга оширилади**.

11. Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда **2020 йил 1 октябрга қадар** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технопарки резидентлари томонидан **оммавий молиялаштириш (краудфандинг) ва опцион-шартномаларни тузиш тартибини белгилаш** бўйича таклиф киритсин.

12. «Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасаси Ягона интегратор билан биргаликда **2020 йил 1 октябрга қадар** аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига ахборот хизматларини, жумладан, хабардор қилиш характеридаги маълумотларни тақдим этувчи давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари билан интеграциялашган **Электрон ҳукумат хизматлари ҳақида ахборот бериш ва хабардор қилиш тизимини** ишлаб чиқсин.

13. Ташқи иқтисодий фаолият соҳасида маҳаллий тадбиркорлик субъектларига янада қулайликлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимига эгалик қилиш, уни юритиш ва бошқариш бўйича ваколатли орган этиб белгилансин.

Агентлик бир ой муддатда Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимининг унга тегишли барча мол-мулк ва асбоб-ускуналари билан биргаликда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига белгиланган тартибда топширилишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси **2020 йил 1 августга қадар** давлат органлари ва ташкилотлари томонидан йўлланадиган хат-хабарлар, хабарномалар, чақирув қоғозлари ва бошқа юридик ҳужжатларни **фақат почта алоқа объектлари тармоғи орқали етказиб бериш** тартибини белгиласин.

Вазирлик **2020 йил 1 августга қадар** давлат органлари ва ташкилотлари томонидан почта алоқаси объектлари тармоғи орқали йўлланадиган хат-хабарлар, хабарномалар, чақирув қоғозлари ва бошқа юридик ҳужжатларни жисмоний ва юридик шахсларга етказиб бериш ва етказилганлигини тасдиқлаш, маълумотларни сақлаш ва ҳисобга олишнинг ягона миллий тизимини жорий этсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ–3549-сон қарори 4-банди, шунингдек, қарорга 2-4-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Вазирлик манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А.Гулямов зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикаси Президенти***
***Ш.МИРЗИЁЕВ.***

*Тошкент ш.,*
*2020 йил 28 апрель*
*ПҚ-4699-сон.*

***Қарорга 1-9-иловалар «Норма маслаҳатчи»да чоп этилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва **nrm.uz** сайтида танишиш мумкин.*

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ*
*ҚАРОРИ*

# АҲОЛИНИНГ УЙ-ЖОЙ ШАРОИТИНИ ЯХШИЛАШ ҲАМДА ИПОТЕКА КРЕДИТИ БОЗОРИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА*

Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш даврида аҳолининг уй-жой шароитини яхшилаш, ипотека кредити бозорини янада ривожлантириш, хусусий пудрат ташкилотларини уй-жойлар қурилишига кенг жалб қилиш ҳамда уларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги «Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–5886-сон Фармонига (кейинги ўринларда – Фармон) мувофиқ:

бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашнинг янги тартиби (кейинги ўринларда – янги тартиб) жорий қилинганлиги;

хусусий пудрат ташкилотлари томонидан **ўз маблағлари ва тижорат банкларининг кредитлари ҳисобига қурилган квартираларни** бирламчи уй-жой бозорида сотиб олиш учун ипотека кредитларини ажратишга рухсат этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. **2020 йил 1 майдан бошлаб 2022 йил 1 январга қадар** жисмоний шахсларга хусусий пудрат ташкилотлари томонидан **тайёр ҳолда топшириш шартисиз (пардоз ишларини амалга оширмасдан) қурилган квартираларни** бирламчи уй-жой бозорида сотиб олиш учун ипотека кредитларини ажратишга рухсат берилсин.

3. Хусусий пудрат ташкилотлари томонидан **қуриб битказилган квартираларни, шунингдек, тайёр ҳолда топшириш шартисиз (пардоз ишларини амалга оширмасдан) қурилган квартираларни** бирламчи уй-жой бозорида сотиб олиш учун бир қарз олувчига ажратиладиган **ипотека кредитларининг энг кўп миқдорлари**:

қишлоқ жойларида **2 хонали** квартиралар учун **174 миллион** сўмдан **240 миллион** сўмгача, **3 ва ундан кўп хонали** квартиралар учун **224 миллион** сўмдан **320 миллион** сўмгача;

шаҳарларда **2 хонали** квартиралар учун **180 миллион** сўмдан **240 миллион** сўмгача, **3 ва ундан кўп хонали** квартиралар учун **232 миллион** сўмдан **320 миллион** сўмгача;

Тошкент шаҳрида **2 хонали** квартиралар учун **198 миллион** сўмдан **264 миллион** сўмгача, **3 ва ундан кўп хонали** квартиралар учун **255 миллион** сўмдан **352 миллион** сўмгача оширилсин.

4. Янги тартиб доирасида аҳолига ажратиладиган ипотека кредитлари (шу жумладан, бугунги кунга қадар ажратилган ипотека кредитлари) муддати **15 йилдан 20 йилгача узайтирилсин.**

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир ҳафта муддатда янги тартиб доирасида тижорат банкларида жойлаштирган кредит ресурслари муддатини 15 йилдан 20 йилгача узайтирсин.

Тижорат банклари бир ой муддатда янги тартиб доирасида жисмоний шахсларга берилган ипотека кредитлари муддатини 15 йилдан 20 йилгача узайтирсин ҳамда тузилган шартномаларга тегишли ўзгартиришлар киритсин.

6. Белгилаб қўйилсинки, мазкур қарорнинг:

2–4-бандларида назарда тутилган тартиб ва шартлар 2022 йил 1 январга қадар амал қилади ва янги тартибга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг маблағлари ҳисобидан ажратиладиган ипотека кредитларига нисбатан татбиқ этилади;

3-бандининг учинчи ва тўртинчи хатбошларида назарда тутилган квартираларни сотиб олишга ажратилган ипотека кредитлари бўйича дастлабки бадалнинг бир қисмини тўлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун субсидиялар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Қурилиш вазирлиги томонидан **белгиланган уй-жой ҳисобланган қийматининг 10 фоизи миқдорида тўланади.**

7. Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида тажриба тариқасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тижорат банкларига ажратган кредит ресурслари ҳисобидан мазкур қарор қабул қилингунга қадар жисмоний шахсларга қонунда белгиланган тартибда уй-жой қуриш учун ажратилган ер участкаларида **якка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва қайта қуриш** учун кредитлар ажратишга рухсат берилсин.

Бунда, кредитлар жисмоний шахсларга:

қурилаётган (қайта қурилаётган) якка тартибдаги уй-жой жойлашган жойи бўйича мазкур қарорнинг 3-бандида назарда тутилган кредитнинг энг кўп миқдорларидан ошмайдиган ва дастлабки бадали якка тартибдаги уй-жойни қуриш (қайта қуриш) ишлари қийматининг **10 фоизидан кам бўлмаган** миқдорида **20 йил муддатга ажратилади**;

белгиланган тартибда келишилган ва тасдиқланган лойиҳа асосида хусусий пудрат ташкилотлари томонидан бажарилган якка тартибдаги уй-жойни қуриш (қайта қуриш) ишлари бўйича тўловларни уларнинг депозит ҳисобрақамларига нақд пулсиз шаклда амалга ошириш орқали берилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Молия вазирлиги, Қурилиш вазирлиги ҳамда Марказий банк билан биргаликда 2020 йил 1 декабрга қадар Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида амалга ошириладиган тажриба натижаларидан келиб чиқиб, якка тартибдаги уй-жойлар қурилишини қўллаб-қувватлаш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига 2020–2021 йиллар давомида уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож фуқароларни манзилли қўллаб-қувватлаш мақсадида маҳаллий бюджет даромадларининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан Фармон билан тегишли ҳудуд учун белгиланган субсидиялар сонини **1,3 бараварга** ва суммасини **40 фоизгача оширишга** рухсат берилсин.

10. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2020 йил 1 майдан 31 декабрга қадар Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан хусусий пудрат ташкилотларига янги тартиб доирасида шаҳар ва қишлоқ жойларида **4 ва ундан юқори қаватли ҳамда Тошкент шаҳрида 7 ва ундан юқори қаватли** кўп квартирали уй-жойлар қуриш учун ажратилган тижорат банкларининг миллий валютадаги кредитлари бўйича:

кредит суммасининг **50 фоизигача**, бироқ **8 миллиард** сўмдан ошмаган миқдорда кафиллик берилади;

фоиз ставкаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки асосий ставкасининг **1,75 баравaридан ошмайдиган** ва суммаси **20 миллиард** сўмдан ортиқ бўлмаган кредитлар бўйича фоиз ставкасининг Марказий банк асосий ставкасидан ошадиган, бироқ **10 фоиз пунктидан кўп бўлмаган** қисмини қоплаш учун компенсация тўланади.

Бунда, кафиллик ва компенсациялар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Қурилиш вазирлиги томонидан **квартира бир квадрат метрининг тегишли ҳудуддаги ўртача бозор қиймати ҳамда 2 хонали, 3 ва ундан кўп хонали квартиралар майдонининг белгиланган меъёрларини инобатга олган ҳолда** кўп квартирали уй-жойлар қурилганда берилади.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (А.Н.Арипов) икки ҳафта муддатда янги тартиб доирасида шаҳарларда кўп квартирали уй-жойларни қуриш учун ер участкаларини «E-IJRO

**Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (**lex.uz**) эълон қилинган ва 2.05.2020 йилдан кучга кирди.*

AUKSION» ягона электрон савдо майдончасидаги электрон аукционига чиқариш чораларини кўрсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикаси Президенти***
***Ш.МИРЗИЁЕВ.***

*Тошкент ш.,*
*2020 йил 1 май*
*ПҚ-4701-сон.*

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ*
*ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ*
*ҚАРОРИ*

# ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШНИНГ АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМИНИ ЖАДАЛ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёқилғи-энергетика соҳасида ўзаро ҳисоб-китобларни янада такомиллаштириш ва молиявий барқарорликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 9 июлдаги ПФ-5761-сон Фармонида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этишни жадаллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Қуйидагилар:

а) Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини идоралараро электрон ўзаро ҳамкорликни қўллаган ҳолда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 13 апрелдаги 308-сон қарорига мувофиқ, республикада «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимини жорий этиш бошланган бўлиб, ушбу тизимнинг асосий мақсади аҳолига давлат томонидан ижтимоий хизматлар кўрсатиш ва ёрдам бериш билан боғлиқ тартиб-таомилларни автоматлаштириш ҳамда ушбу соҳада аҳолига давлат хизматлари кўрсатишни янада соддалаштириш белгиланганлиги;

б) Вазирлар Маҳкамасининг «Электр энергетика тармоғида тариф сиёсатини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 13 апрелдаги 310-сон қарори билан тасдиқланган 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси электр энергетика тармоғидаги тариф сиёсатининг асосий йўналишларига мувофиқ:

тарифларни белгилашда такрорий субсидиялаш амалиётини босқичма-босқич бекор қилиш ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган тартибга мувофиқ манзилли субсидиялар бериш орқали аҳолининг кам таъминланган ва ҳимояга муҳтож қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш;

барча гуруҳлардаги истеъмолчиларда электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини тўлиқ жорий этгандан кейин табақалаштирилган тарифни жорий этиш ҳамда ушбу йўналишларни амалга оширишнинг асосий принципларидан бири сифатида аҳолининг кам таъминланган ва ҳимояга муҳтож қатламларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашда электр энергиясининг базавий нормасини қўллаш ҳамда электр энергияси учун тарифлар ошганда компенсациялар бериш йўли билан таъминланиши белгиланганлиги;

в) электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш лойиҳаси (кейинги ўринларда – ЭҲНАТни жорий этиш лойиҳаси) доирасида:

ўрнатиладиган барча электр ҳисоблагич ва қўшимча асбоб-ускуналарга хорижий ва маҳаллий экспертлар иштирокида ягона техник талаблар ишлаб чиқилганлиги;

ЭҲНАТнинг дастурий таъминоти ва Республика маълумотларни қайта ишлаш маркази Осиё тараққиёт банки томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан «KT Corporation» (Жанубий Корея) компанияси томонидан яратилганлиги ва мавжуд биллинг дастури билан боғланганлиги, республикада ўрнатилаётган барча электр ҳисоблагичлар ушбу дастурлар томонидан бошқарилиши;

г) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Электр энергетикаси тармоғини жадал ривожлантириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 23 октябрдаги ПҚ-3981-сон қарорига мувофиқ энг мақбул таклифлар асосида «Ҳудудий электр тармоқлари» АЖ томонидан маҳаллий ишлаб чиқарувчилар – «Toshelectroapparat» МЧЖ ва «Elektron Xisoblagich» МЧЖдан 2,1 млн дона электр ҳисоблагичлар ва қўшимча асбоб-ускуналар харид қилиниб, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ЭҲНАТни жорий этиш лойиҳасига мувофиқ босқичма-босқич ўрнатилаётганлиги;

д) Осиё тараққиёт банки томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан Бухоро, Жиззах ва Самарқанд вилоятларида ЭҲНАТни жорий этиш лойиҳаси доирасида 1,3 млн дона электрон ҳисоблагичлар ўрнатилганлиги;

е) лойиҳанинг техник-иқтисодий асослари «Ўзинжиниринг» РЛИ томонидан ишлаб чиқилганлиги, шу билан бирга бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда қайта кўриб чиқилиши лозимлиги;

ж) «Ҳудудий электр тармоқлари» АЖ томонидан етказиб берилаётган электр ҳисоблагич ва қўшимча асбоб-ускуналар учун тўловлар ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилмай қолганлиги натижасида «Toshelectroapparat» МЧЖ олдида 323,3 млрд сўм ва «Elektron Xisoblagich» МЧЖ олдида 313,6 млрд сўм миқдорида кредитор қарздорлик юзага келганлиги;

з) Осиё тараққиёт банки ва Франция тараққиёт агентлиги томонидан электр энергетика соҳасидаги ислоҳотлар асосида Ўзбекистон Республикасига бюджетни қўллаб-қувватлаш учун, мос равишда 200 млн АҚШ доллари ҳамда 150 млн Евро миқдорида кредит (Policy Based Loan) ажратилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. ЭҲНАТни жорий этиш лойиҳасининг асосий мақсад ва вазифалари этиб қўйидагилар белгилансин:

республика бўйича барча электр энергияси истеъмолчилари томонидан истеъмол қилинадиган электр энергиясини тўлиқ ҳисобга олишнинг ҳамда электр энергиясининг технологик сарф меъёрларини белгилашнинг шаффоф тизимини ўрнатиш;

тўловни белгиланган муддатларда тўлиқ амалга оширмаган истеъмолчиларга электр энергиясини етказиб беришни тўхтатиш ҳамда электр тармоқларига ноқонуний уланган истеъмолчиларни аниқлаш;

истеъмолчилар гуруҳлари кесимида йиллик, ойлик ва кунлик истеъмол қилиш «хулқ-атвори»ни (consumer behaviour) таҳлил қилиб бориш ва ушбу таҳлиллар натижасида республика энергия тизимининг ишлаш режимини энг самарадор тарзда шакллантириш;

---

**Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида* ***(lex.uz)*** *эълон қилинган ва 28.04.2020 йилдан кучга кирди.*

электр энергиясининг табақалаштирилган тарифларини қўллаш учун зарур бўлган аниқ маълумотлар билан таъминлаш;

электр тармоқларининг ишлаш режимларидаги нуқсонларни, шу жумладан электр энергиясининг технологик сарфининг меъёрдан ортиб кетиш ҳолатларини аниқлаш.

3. ЭҲНАТни жорий этиш лойиҳасининг:

дастлабки молиявий параметрлари 1-иловага** мувофиқ;

молиялаштирилиши учун ажратиладиган маблағлар миқдори 2-иловага** мувофиқ;

режалаштирилган чора-тадбирларини амалга ошириш графиги 3-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

4. «Ҳудудий электр тармоқлари» АЖнинг мавжуд биллинг тизими ўрнига ЭҲНАТни жорий этиш лойиҳаси доирасида энг замонавий тамойиллар асосида электр энергияси ҳисобини юритиш, таҳлил ва прогноз қилишнинг комплекс дастурий таъминотини яратиш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

Ушбу комплекс дастурий таъминотини яратиш учун етакчи хорижий ва маҳаллий дастурий таъминот ишлаб чиқарувчи компаниялар ўртасида танлов савдолари асосида шартнома тузилишига рухсат берилсин.

5. «Ҳудудий электр тармоқлари» АЖга ЭҲНАТни жорий этиш лойиҳаси мувоффақиятли якунланиши учун Бухоро, Жиззах ва Самарқанд вилоятларида ЭҲНАТни жорий этиш лойиҳасини биринчи босқичи доирасида жалб этилган «CESI S.P.A / AF Mercados Energy Markets International S.A / Sharifa.com» (Италия / Испания / Ўзбекистон) консалтинг компанияларининг консорциуми билан ўрнатилган тартибда қўшимча битим тузиш тавсия этилсин.

6. ЭҲНАТни жорий этиш лойиҳасини амалга оширишни жадаллаштириш мақсадида Осиё тараққиёт банки ва Франция тараққиёт агентлиги томонидан ажратилаётган кредитлар келиб тушишини инобатга олиб:

а) Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ўн кун муддатда Осиё тараққиёт банки ва Франция тараққиёт агентлиги билан электр энергетика соҳасидаги «ислоҳотлар матрицаси»ни келишиб, ижроси бўйича «йўл харитаси»ни тасдиқласин;

б) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур қарорнинг 6-банди «а» кичик банди бўйича «йўл харитаси» тасдиқлангач, уч кун муддатда «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБга ЭҲНАТни жорий этиш лойиҳасини молиялаштириш ҳаражатлари Осиё тараққиёт банки ва Франция тараққиёт агентлиги томонидан электр энергетика соҳасидаги ислоҳотлар асосида бюджетни қўллаб-қувватлаш (Policy Based Loan) учун ажратилиши режалаштирилган кредитлар ҳисобидан қопланишини тасдиқловчи хатни тақдим этсин;

в) «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБга ўн кун муддатда хорижий кредит линиялари ҳисобидан бир йил муддатга олти ойлик имтиёзли тўлов (фоиз тўловлари билан) даври билан йиллик етти фоиз устама тўлаш шарти асосида «Ҳудудий электр тармоқлари» АЖга ЭҲНАТни жорий этиш лойиҳасини молиялаштиришга 30 млн Евро миқдорида кредит ажратиш тавсия этилсин;

Бунда, кредит таъминоти сифатида Осиё тараққиёт банки ва Франция тараққиёт агентлиги томонидан электр энергетика соҳасидаги ислоҳотлар асосида бюджетни қўллаб-қувватлаш учун ажратилаётган кредитларнинг ЭҲНАТни жорий этиш лойиҳасига йўналтириладиган миқдори белгилансин;

г) Осиё тараққиёт банки ва Франция тараққиёт агентлигининг кредити ажратилгунига қадар «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБнинг кредити бўйича барча тўловлар «Ҳудудий электр тармоқлари» АЖнинг 2020 йилга мўлжалланган инвестиция дастури доирасида молиялаштириладиган лойиҳаларга йўналтириладиган ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилишига рухсат берилсин;

д) «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ томонидан ажратиладиган кредит тенг миқдорларда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар – «Toshelectroapparat» МЧЖ ва «Elektron Xisoblagich» МЧЖдан янги харид қилинадиган электрон ҳисоблагичлар ва уларга зарур бўлган қўшимча асбоб-ускуналарни молиялаштиришга ўрнатилган тартибда йўналтирилиши белгилаб қўйилсин;

е) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Осиё тараққиёт банки ва Франция тараққиёт агентлиги томонидан электр энергетика соҳасидаги ислоҳотлар асосида бюджетни қўллаб-қувватлаш (Policy Based Loan) учун ажратиладиган кредитлар ҳисобидан «Ҳудудий электр тармоқлари» АЖга ЭҲНАТни жорий этиш лойиҳасини молиялаштиришдаги ҳақиқий ҳаражатларни қоплаш учун етарли, лекин 250 млн АҚШ долларидан ошмаган миқдорда, ўн беш йил муддатга уч йиллик имтиёзли даври билан олти ойлик ЛИБОР + 1,25 фоиз (бунда 0,75 фоиз Молия вазирлиги устамаси) тўлаш шарти билан кредит ажратсин.

Бунда, 0,5 фоиз миқдоридаги мажбурият учун воситачилик ҳақи ва кредитнинг жами миқдоридан 0,5 фоизлик бир марталик тўловлар назарда тутилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Осиё тараққиёт банки ва Франция тараққиёт агентлиги томонидан электр энергетика соҳасидаги ислоҳотлар асосида бюджетни қўллаб-қувватлаш учун ажратилаётган мос равишда, 200 млн АҚШ доллари ҳамда 150 млн Евро миқдорида кредитларни Ўзбекистон Республикаси номидан ёки кафолати остида ташқи қарзни жалб этиш бўйича 2020 йилда янги имзоланадиган дастур ва лойиҳалар рўйхатига киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ўн беш кун муддатда:

«Ҳудудий электр тармоқлари» АЖнинг «Toshelectroapparat» МЧЖ ва «Elektron Xisoblagich» МЧЖ олдидаги кредитор қарздорликларини тўлаб беришнинг молиявий манбалари;

«Ҳудудий электр тармоқлари» АЖнинг 2020 йил учун тасдиқланган инвестицион дастурини мақбуллаштириш ва молиялаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

9. «Ҳудудий электр тармоқлари» АЖ, «Ўзинжиниринг» РЛИ икки ой муддатда ушбу қарорда келтирилган молиялаштириш шартлари асосида ЭҲНАТнинг техник-иқтисодий асосларини қайта ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Техник-иқтисодий асосларни қайта ишлаб чиқиш учун техник топшириқ Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирликлари билан келишилган ҳолда тасдиқланиши таъминлансин.

10. ЭҲНАТни жорий этиш лойиҳасининг мувоффақиятли якунланиши, келгусида тизимнинг барқарор ишлаши ва жалб этилган кредитларнинг вақтида ва тўлиқ қайтарилиши бўйича «Ҳудудий электр тармоқлари» АЖ раҳбарларининг масъулияти белгилаб қўйилсин.

11. «Ҳудудий электр тармоқлари» АЖ Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги билан биргаликда ўн кун муддатда Бухоро, Жиззах ва Самарқанд вилоятларида ЭҲНАТни жорий этиш лойиҳасини биринчи босқичи доирасида «KT Corporation» (Жанубий Корея) компанияси билан тузилган қарз шартнома шартларига кўра, лойиҳани тўлиқ амалга оширгандан сўнг, унинг кафолат синови ва муддатларидан кейин қолган қисми учун тўловлар амалга оширилишини инобатга олган ҳолда 2012 йил 8 ноябрдаги 2779-UZB-сон қарз битими муддатини узайтириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси энергетика вазири А.С.Султанов зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири***
***А.АРИПОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2020 йил 27 апрель*
*260-сон.*

***Қарорга 1-3-иловалар «Норма маслаҳатчи»да чоп этилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва **nrm.uz** сайтида танишиш мумкин.*

# 2020 ЙИЛНИНГ I ЧОРАГИДА «СОЛИҚ ВА БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ» ҲАМДА «НОРМА МАСЛАҲАТЧИ» ГАЗЕТАЛАРИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР РЎЙХАТИ

| Т/р | Меъёрий ҳужжатнинг номи | Санаси, рўйхат рақами | Газета сони |
|---|---|---|---|
| | **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНЛАРИ** | | |
| 1 | Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида *(Кўчирма)* | 2020 йил 7 январь, ЎРҚ-601-сон | 2-сон «СБХ» |
| 2 | Давлат божи тўғрисида *(Кўчирма)* | 2020 йил 6 январь, ЎРҚ-600-сон | 2-сон «Норма маслаҳатчи» |
| 3 | Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *(Кўчирма)* | 2020 йил 22 январь, ЎРҚ-603-сон | 7-сон «Норма маслаҳатчи» |
| 4 | Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида *(Кўчирма)* | 2020 йил 17 март, ЎРҚ-612-сон | 12-сон «Норма маслаҳатчи» |
| 5 | Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида | 2020 йил 13 март, ЎРҚ-610-сон | 13-сон «СБХ» |
| | **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНЛАРИ, ҚАРОРЛАРИ** | | |
| 1 | Ўзбекистон Республикасининг «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида *(Кўчирма)* | 2019 йил 30 декабрь, ПҚ-4555-сон | 1-сон «Норма маслаҳатчи» |
| 2 | Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2020 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида | 2020 йил 28 январь, ПҚ-4575-сон | 5-сон «Норма маслаҳатчи» |
| 3 | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш ҳамда божхона-тариф жиҳатдан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3818-сон қарорига қўшимча киритиш тўғрисида | 2020 йил 11 февраль, ПҚ-4594-сон | 7-сон «Норма маслаҳатчи» |
| 4 | Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида | 2020 йил 24 февраль, ПҚ-4611-сон | 9-сон «Норма маслаҳатчи» |
| 5 | 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида | 2020 йил 2 март, ПФ-5953-сон | 10-сон «СБХ» |
| 6 | Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида | 2020 йил 6 март, ПҚ-4633-сон | 11-сон «СБХ» |
| 7 | Ғалла етиштириш, харид қилиш ва сотишга бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида | 2020 йил 6 март, ПҚ-4634-сон | 11-сон «СБХ» |
| 8 | Ўзбекистон Республикасининг қурилиш соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида | 2020 йил 13 март, ПФ-5963-сон | 12-сон «СБХ» |
| 9 | Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида | 2020 йил 20 март, ПФ-5969-сон | 12-сон «Норма маслаҳатчи» |
| 10 | Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида | 2020 йил 18 март, ПҚ-4643-сон | 13-сон «СБХ» |
| | **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ** | | |
| 1 | Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, ер солиғи ва ягона ер солиғи бўйича тўлаш муддатини узайтириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида | 2019 йил 25 ноябрь, 951-сон | 1-сон СБХ |
| 2 | Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун бўш турган ер участкаларини бериш тарти-таомилларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида | 2019 йил 20 декабрь, 1023-сон | 1-сон «Норма маслаҳатчи» |
| 3 | Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги тўғрисидаги ҳамда Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида | 2020 йил 16 январь, 28-сон | 4-сон «СБХ» |
| 4 | Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дастурлари доирасида боғдорчилик, узумчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида | 2020 йил 30 январь, 52-сон | 6-сон «СБХ» |
| 5 | Шахсга доир маълумотлар базаларининг давлат реестри тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида | 2020 йил 8 февраль, 71-сон | 7-сон «Норма маслаҳатчи» |

| Т/р | Меъёрий ҳужжатнинг номи | Санаси, рўйхат рақами | Газета сони |
|---|---|---|---|
| 6 | Товарлар (ишлар, хизматлар)ни импорт қилишда қўшилган қиймат солиғи тўловчилар учун қўшилган қиймат солиғини тўлаш муддатини узайтириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида | 2020 йил 10 февраль, 76-сон | 7-сон «Норма маслаҳатчи» |
| 7 | Ўзбекистон Республикасида идентификация ID-карталарини расмийлаштириш ва бериш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» *(Кўчирма)* | 2020 йил 6 март, 129-сон | 12-сон «СБХ» |
| 8 | 2020–2021 йилларда ички ва ташқи бозорларда харидоргир маҳсулотларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида | 2020 йил 10 март, 136-сон | 12-сон «СБХ» |
| 9 | Уй-жой сотиб олиш учун фуқароларга субсидия тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида | 2020 йил 25 март, 182-сон | 13-сон «Норма маслаҳатчи» |

## ИДОРАВИЙ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР

| Т/р | Меъёрий ҳужжатнинг номи | Ҳужжатни тасдиқлаган орган | Санаси, рўйхат рақами | Газета сони |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчилар фаолиятида амалга ошириладиган солиқ назорати тадбирини видеотасвирга олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида | ЎзР ДСҚ | 2019 йил 30 декабрь, 3207-сон | 5-сон «Норма маслаҳатчи» |
| 2 | Мева-сабзавот маҳсулотлари экспортёрларининг қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзоларини мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг янги технологияларига ўргатиш, қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзоларининг ерларида агротехник тадбирлар мониторингини ўтказиш, қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзолари томонидан ишлаб чиқариладиган мева-сабзавот маҳсулотларининг ташқи бозорларида маркетинг тадқиқотларини ўтказиш билан боғлиқ харажатларининг 50 фоизини қоплаш учун субсидиялар тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида | ЎзР МВ, ИТСВ, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги | 2020 йил 17 январь, 3212-сон | 5-сон «Норма маслаҳатчи» |
| 3 | Божхона юк декларациясини ўзгартириш, унга қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш, қайтариб олиш ва бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида | ЎзР ДБҚ | 2020 йил 10 февраль, 3220-сон | 9-сон «СБХ» |

## БОШҚА АХБОРОТ

| Номи | Тайёрлаган орган | Газета сони |
|---|---|---|
| 2020 йил учун иш вақти ҳисоб-китоби | Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги | 1-сон «СБХ» |
| Хорижий валюталар расмий курсининг Ўзбекистон Республикаси сўмига нисбатан 2019 йилги динамикаси | – | 1-сон «Норма маслаҳатчи» |
| Ягона солиқ тўлови: ҳисоблаш ва тўлашнинг ўзига хос хусусиятлари | «Norma» МЧЖ | 3, 5-сон «СБХ», 4-сон «Норма маслаҳатчи» |
| 2019 йилнинг IV чорагида «Солиқ ва божхона хабарлари» ҳамда «Норма маслаҳатчи» газеталарида эълон қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати | – | 4-сон «СБХ» |
| Норезидентларнинг даромадларидан фойда солиғини тўлашга оид тавсиялар *(«Норезидент – юридик шахснинг даромадларидан тўлов манбаида фойда солиғи қандай тўланади»)* | «Assistance in tax» ХК | 7-сон «СБХ» |
| ҚҚС қандай ҳисобга олинади *(«ҚҚС қандай ҳисобга олинади: солиқ солинадиган ва солиқ солинмайдиган реализация қилиш айланмалари мавжуд бўлганда узоқ муддатли активлар бўйича ҚҚС қандай ҳисобга олинади; ҚҚС тўлаш мақсадида реализация қилиш жойи қандай аниқланади»)* | МВ | 8-сон «СБХ» |
| МЧЖ устав фондини ўзгартириш тартиби тўғрисида *(«МЧЖ устав фонди қандай камайтирилади»; «МЧЖ устав фонди қандай кўпайтирилади»)* | «Norma» МЧЖ | 12-сон «СБХ» |
| МЧЖнинг чиқиб кетаётган муассисига улушининг ҳақиқий қийматини тўлаш тартиби | «Norma» МЧЖ | 13-сон «СБХ» |




# ЁММни сақлашни расмийлаштириш

***Ташкилот ЁММни (дизель ёқилғисини) ўзининг КАЁҚШ (контейнерли автоёнилғи қуйиш шохобчаси) идишига сотиб олади. КАЁҚШда корхона эҳтиёжлари учун дизель ёқилғисини сақлашда қандай норматив ҳужжатлар расмийлаштирилади?***

– Контейнерли автоёнилғи қуйиш шохобчалари (КАЁҚШ) катта автойўлларда, туристик автойўналишларда, автомобиль хўжаликларида, саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналарида, пулли автомобиль тўхташ жойларида, гараж кооперативларида, шунингдек автомобиль транспорти кўплаб тўпланадиган жойларда жойлаштирилади *(ВМнинг 6.05.1994 йилдаги 240-сон қарори билан тасдиқланган Қоидаларнинг 2-банди)*.

КАЁҚШга бошлиқ, мастер ёки операторлардан бири раҳбарлик қилади. Операторлар моддий жавобгар шахслар ҳисобланадилар, улар билан жамоа (бригада) жавобгарлиги ёки шахсан моддий жавобгарлик тўғрисида шартномалар тузилади *(Қоидаларнинг 6, 7-бандлари)*.

Ҳар бир КАЁҚШда нефть маҳсулотларини ҳисобга олиш масса ва ҳажм бирликларида юритилади. КАЁҚШ «Ўзстандарт» маркази томонидан қўллашга рухсат берилган ҳамда Давлат метрология хизматининг тамғасига ёки паспортда тегишли белгига эга бўлган зарур асбоб-ускуналар ва ўлчов воситаларига эга бўлиши керак *(Қоидаларнинг 9-банди)*.

Ҳар бир КАЁҚШда қуйидаги ҳужжатлар бўлиши керак:

- технологик ва электр схемалари мавжуд бўлган КАЁҚШ паспорти;
- формулярлар ва ёнилғи ҳамда мой қуйиш колонкаларининг техник баёни;
- резервуарларнинг паспортлари;
- резервуарларнинг градусларга бўлинган жадваллари;
- КАЁҚШдан техник фойдаланиш қоидалари;
- техника хавфсизлиги ва ёнғин хавфсизлиги бўйича йўриқнома;
- смена ҳисоботи;
- идишларга қуйилган нефть маҳсулотлари, автомобиллар (мавжуд бўлганда) учун эҳтиёт қисмлар ҳаракатини ҳисобга олиш дафтари;
- келтирилган нефть маҳсулотларининг ҳисобга олиш журнали;
- ўлчов воситаларини текшириш жадвали;
- асбоб-ускуналар, жиҳозлар ва мол-мулкни ҳисобга олиш журнали;
- КАЁҚШ ходимларининг лавозим йўриқномаси;
- АЁҚШнинг ўлчов воситалари билан жиҳозланганлик рўйхати *(Қоидаларнинг 10-банди)*.

**Нурали Нурмуҳамедов,**
«Norma» МЧЖ эксперти.

# ТМҚ учун электрон ишончнома

***Электрон ҳужжат айланишига ўтилгани муносабати билан ҳисобварақ-фактура корхона (мижоз) томонидан электрон-рақамли имзо тасдиқланган бўлса, электрон ишончномани ёзмаса ҳам бўладими?***

**– ТМҚни беришда электрон ишончномани ёзиб бериш лозим.**

Ишончноманинг тақдим этилиши сотувчи ва харидор ўртасида тузилган шартнома бўйича сотувчи томонидан харидорга ТМҚ етказиб берилиши учун асос ҳисобланади *(АВ томонидан 27.05.2003 йилда 1245-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 4-банди)*. Сотувчи томонидан ишончнома берилиши ва харидор томонидан уни тегишли равишда тасдиқланиши – бу товар берилганлиги далили. Электрон ҳисобварақ-фактура **товар реализация қилинганлиги ва харид қилинганлигини** тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади *(Низомнинг 2-банди, ВМнинг 25.06.2019 йилдаги 522-сон қарорига 1-илова)*.

Шу тариқа, ТМҚни беришда мижоз томонидан ЭҲФ расмийлаштирилганлигига қарамай электрон ишончномани расмийлаштириш лозим. Айрим ЭҲФ тизимларида ишончнома шакли ҳисобварақ-фактуранинг ичида бўлади ва алоҳида ёзиб беришга зарурат бўлмайди.

**Наргиза Вохидова,**
«Norma» МЧЖ эксперти.

***Суд даъвоси бўйича муассислар эмас, балки МЧЖ жавобгар бўлса, суд мажлиси ҳақида МЧЖ хабардор этилиши лозим.***

***Қандай норматив ҳужжатга асосан МЧЖ унда суд муҳокамаси мавжудлиги ҳақида муассисларни хабардор қилиши лозим?***

# Муассис билишга ҳақли

**– Қонун ҳужжатларида МЧЖнинг суд муҳокамаси мавжудлиги тўғрисидаги муассисларини хабардор қилиш мажбурияти назарда тутилмаган.**



МЧЖ муассисларга эмас, балки ўзига тегишли бўлган мол-мулк бўйича жавобгар бўлади. Судда юридик шахсларнинг ишларини уларнинг ижроия органлари ёки вакиллари юритадилар *(ИПКнинг 61-моддаси)*. Қоидага кўра, бу берилган ишончномага асосан МЧЖ номидан директор ёки ходим бўлиши мумкин.

МЧЖ ўз муассисларини уларга хат юбориш орқали суд жараёни ҳақида хабардор қилиши мумкин.

Қоидага кўра, МЧЖ уставида ижро этувчи органнинг ваколатлари қайд этилган. Хабардор қилиш мажбуриятини МЧЖ ижро этувчи органи ҳақидаги низомда, масалан, «МЧЖ ижро этувчи органининг муассислар билан ўзаро муносабатлари тартиби» бўлимида қайд этган маъқул.

**Альберт Сафин,** «Norma» МЧЖ эксперти.

ДУНЁ НАФАСИ

# Коронавирусга қарши курашнинг шведча усули ёхуд дала ўртасидаги ёлғиз «ресторан»

**Швецияда дала ўртасида фақат якка мижозга мўлжалланган ноодатий ресторан ўз ишини бошлади. Бу ҳақда CNN хабар берди.**



«Bord For En»(«Бир киши учун стол») мамлакат пойтахти Стокгольмдан тахминан 350 км узоқликда жойлашган Вермланд далалари ўртасида жойлашган.

«Бино»да фақат битта стол ва стул бор. У ерда официант ҳам йўқ. Таом арқон орқали саватчада етказиб берилади.

Пандемия шароитида овқат шинавандаларини хурсанд қилишнинг бундай ғоясини эр-хотин Расмус Перссон ва Линда Карлссон ўйлаб топди.

Бу режа қандай пайдо бўлди дерсиз.

Бир неча ҳафта олдин уларни кўришга Линданинг ота-онаси келишади.

Чунки Швецияда фуқароларни социал масофани сақлаш мажбурий эмас, лекин ушбу қоидага риоя этиш ҳукумат томонида тавсия этиб келинмоқда.

Шунга қарамай биз айтган жуфтлик қариндошларининг саломатлигидан хавотир олиб, улар учун боғда алоҳида дастурхон ёзиб беришади. Собиқ шеф-ошпаз бўлган Перссон эса тайёрлаган таомини дераза орқали боғдаги столга узатиб беради.

Шундан сўнг бошқа одамлар учун мана шундай тамадди қилиш имкониятини яратиб бериш фикри пайдо бўлди.

Ноодатий ресторан 10 май куни очилади ва 1 августгача қадар ишлайди. У ерда бир кунда фақат бир мижоз қабул қабул қилинади.

Меҳмонларга уч хил овқат таклиф этилади: шведча усулда тайёрланган сметанали картошкали оладья; ширин маккажўхоридан тайёрланган шарчалар сабзили-занжабилли пюреси билан; десертга эса жемга тўйинтирилган черника. Ҳар бир таом учун алкоголсиз ичимлик ҳам таклиф этилади.

Ресторан эгалари у ерда мижоздан бошқа ҳеч ким бўлмаслиги ва уни ҳеч ким кузатмаслигига ишонтиришмоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти эса коронавирусга қарши курашиш бўйича шведча ёндашувдан нормал ҳаётга қайтиш борасида намуна олса арзишини тан олган.

ЎзА.

НОРМА МАСЛАҲАТЧИ
N 18 (771) • 2020 йил 5 май



# Иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил: чекланган муддат

***Солиқ даврида қанча муддатга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил бериш мумкин?***

**– Иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътилнинг давомийлиги ходим ва иш берувчи ўртасидаги келишувга кўра белгиланади, лекин у 12 ойлик давр мобайнида жами 3 ойдан ортиқ бўлмаслиги керак** *(МК 150-м.)*.

Бундай таътил календарь йил ёки солиқ даври учун эмас, балки 12 ойлик муддатга белгиланади. Шу боис мазкур муддат иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил расмийлаштирилган кундан бошлаб ҳисобланади.

***МИСОЛ.***

- *Ходимга 2019 йил 1 мартдан 31 майгача 3 ойга иш ҳақи сақланмайдиган таътил берилган, яъни 2020 йил 1 мартгача ходим иш ҳақи сақланмайдиган таътилга чиқа олмайди.*
- *Ходимга 1 ойга – 2019 йил 1 мартдан 31 мартгача таътил берилганда, 2020 йил 1 мартгача яна 2 ойга иш ҳақи сақланмайдиган таътилга чиқиш имконияти бўлади.*
- *Ходим 2019 йил 10 ноябрдан иш ҳақи сақланмайдиган таътилнинг 10 кунидан фойдаланган бўлса, у 2020 йил 9 ноябрга қадар яна 2 ой ва ушбу таътилнинг 20 кунидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади.*
- *Ходим 2019 йил мартдан 2020 йил мартгача иш ҳақи сақланмайдиган таътилнинг фақат 10 кунидан фойдаланган бўлса, унда 2020 йил мартдан 2021 йил мартгача иш ҳақи сақланмайдиган таътилнинг 3 ойининг ҳаммасидан тўлиқ ёки қисман фойдаланиш имкони бўлади.*

Иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътилдан фойдаланиш ҳисоби Т-2 шаклдаги шахсий карточкада юритилади.

Таъкидлаш жоизки, карантин чора-тадбирлари қўлланилган даврда мактабгача таълим ташкилотлари ва умумтаълим муассасаларининг фаолияти тўхтатилганда ўқувчиларнинг ота-оналари илтимосига кўра:

- иш ҳақи сақланмайдиган таътил **сўралаётган муддатга** берилади. Ушбу таътилга Меҳнат кодексида белгиланган максимал муддат бўйича чекловлар карантин даврида татбиқ қилинмайди. Бунда мазкур мактабгача таълим ташкилотлари ва умумтаълим муассасаларининг фаолиятини тўхтатиш муддатидан ошмаслиги керак. Мазкур меҳнат таътили унинг муддатидан қатъи назар, ходимнинг иш стажига киради *(АВ томонидан 28.03.2020 йилда 3227-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 9-банди)*;
- ходим иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган таътилда бўлган даврда мактабгача таълим муассасалари ва умумтаълим муассасаларининг фаолияти тикланса, ходим муддатидан олдин иш чиқиш тўғрисидаги ёзма ариза билан иш берувчига мурожаат қилиши мумкин *(Низомнинг 11-банди)*.

# Буви – декретга

***Қизи (боланинг онаси) олий ўқув юрти талабаси бўлса, буви болани 2 ёшгача парваришлаш таътилига чиқиши мумкин? Шундай қилиш мумкин бўлса, туғилганлик ҳақидаги гувоҳномадан ташқари қандай ҳужжатлар тақдим этилиши лозим?***

**– Ҳа, мумкин.**

Болани парваришлаш учун нафақа тўланган ҳолда бериладиган таътиллардан боланинг отаси, бувиси, бувaси ёки болани амалда парваришлаётган бошқа қариндошлари ҳам тўлиқ ёки уни қисмларга бўлиб фойдаланишлари мумкин *(МК 234-м. 3-қ.)*.



Боланинг онаси ўрнига нафақа олувчи шахслар, қўшимча равишда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар *(АВ томонидан 14.03.2002 йилда 1113-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 7-банди)*:

- боланинг онаси йўқлигини тасдиқловчи ҳужжат – боланинг онаси вафот этганлиги тўғрисида гувоҳнома;
- суд органлари томонидан оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганлик тўғрисида берилган маълумотнома;
- **бола парвариши бўйича нафақани боланинг онаси олиш имкони мавжуд эмаслигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар.**

Мазкур ҳолатда буви набирасини парваришлаш бўйича таътилни ва нафақани расмийлаштиришда онасининг ўқиш жойидан ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органидан нафақа тўланмаётгани тўғрисида маълумотномани тақдим этиши лозим.

# Ишга «квота» бўйича қабул қилиш

***Қандай ҳолатларда ва қайси фирмаларда иш квоталарини ташкил этиш зарур?***

**– Қонун ҳужжатларида «квота» бўйича ишга қабул қилиш тартиби белгиланмаган.**

Ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш махсус Низомда *(ВМнинг 5.12.2017 йилдаги 965-сон қарорига 1-илова)* белгиланган. Шу жумладан унда мазкур ишлар бўйича барча ҳужжатлар ва ҳисоботлар шакллари келтирилган.

Муҳтожларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ходимларнинг рўйхатдаги ўртача сони 20 кишидан ортиқни ташкил этадиган ташкилотлар учун назарда тутилган. Захирага қўйилган жами иш ўринлари сони ҳокимларнинг қарорига мувофиқ ташкилотнинг рўйхатдаги ходимлари ўртача сонининг 10%идан ортиқни (шу жумладан ногиронлар учун камида 3%ни) ташкил этиши мумкин эмас *(Низомнинг 6-банди)*.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлганлар тоифасига қуйидагилар киритилади *(Низомнинг 3-банди)*:

- 14 ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар;
- умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари;
- сафарбарлик чақируви захирасида хизматни ўтаган ва муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар;
- ногиронлар ва пенсияолди ёшидаги шахслар;
- жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилишидан озод қилинган шахслар;
- одам савдоси қурбонлари.

Қоидага кўра, ташкилот Бандликка кўмаклашиш марказида ҳисобга қўйилганда иш ўринларини захиралаш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар ва бундай ишларни амалга ошириш тартиби белгиланади.

Реклама

«КОРХОНА ЮРИСТИ»
электрон маълумотнома тизимини ЎЗБЕК ТИЛИДА тақдим этамиз
NORMA
Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1. Тел. (71) 200-00-90.
E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

**Валерия Ляндрес,** кадрлар хизмати ходими.

Иқтисодий–ҳуқуқий газета
НОРМА МАСЛАҲАТЧИ
ҲУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ©
ТАЪСИСЧИ «Norma» МЧЖ
Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.
Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚУРБОНБОЕВ

Нашр учун масъул – бош муҳаррир ўринбосари, масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1,
Таҳририят тел. (71) 200-00-90
Обуна бўлими тел. (71) 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz, gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

*Обуна, газеталар, китоблар, газеталарнинг электрон версияларини етказиб бериш ва харид қилиш масалалари бўйича (71) 200-00-30;*
**«Norma» АКТ бўйича – (71) 200-00-90**;
Рекламани жойлаштириш бўйича (71) 231-07-91 телефон рақамларига мурожаат қилиш мумкин.

Газета ношир – «TOPRINT» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Нашр кўрсаткичи – 186. Қоғоз бичими – А3. Ҳажми – 2 босма табоқ. Баҳоси келишилган нархда.
Буюртма г-522. Адади 550. Газета 2020 йил 4 май соат 14.00 да топширилди.

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди, манзил: «Буюк Турон» кўчаси, 41. 123456 ISSN 2010-5223